

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таваллуд куни муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молиявий институтлар, етакчи хорижий компаниялар, таниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз мактубларида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, шунингдек, давлатнинг минтақадаги ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш борасида эришилган натижаларни юксак баҳоламоқда.

Президентимизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва давлатчилик фаолиятида янги муваффақиятлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик ва равнақ тилаклари билдирилмоқда. Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўлаган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Сизнинг давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятингиз Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши, халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилмоқда. Сизнинг Россия — Ўзбекистон кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган кўп йиллик шахсий ҳиссангиз бекиёсдир.

Самимий ва дўстона муносабатларимизни юксак қадрлайман. Ва албатта, икки томонлама, минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан конструктив мулоқот ҳамда яқин ҳамкорликни давом эттиришдан мамнун бўламан.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизни чин дилдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришдан беҳад мамнунман.

Сўнгги йилларда Сиз билан биргаликдаги раҳбарлигимиз остида янги даврда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар қандай шароитда ҳам амал қиладиган ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари юқори даражада ривожланиб бормоқда. Икки томонлама ўзаро сиёсий ишонч доимий равишда мустаҳкамланиб, «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасидаги юқори сифатли ҳамкорлик самарали натижалар бермоқда.

Ўтган йили биз икки мартаба учрашиб, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг кейинги ривожланиш истикболларини ҳар томонлама белгилаб олдик ҳамда қатор муҳим келишувларга эришдик. Бу Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги кенг қамровли ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги йўналиш ва янги суръат бағишлади.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг бардавом ривожланишига алоҳида аҳамият бераман. Сиз билан ўрнатилган самарали амалий алоқаларимизни ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман. Сиз билан биргаликда саъй-ҳаракатларимизни давом эттириб, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга, янада яқин ва фаол Ўзбекистон — Хитой умумий тақдир ҳамжамиятини барпо этишга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, юксак масъулиятли фаолиятингизда доимий муваффақият ва зафарлар тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни қабул қилинг!

Сизнинг давлат арбоби сифатидаги бой ва сермазмун тажрибангиз — Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган самимий саъй-ҳаракатларининг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон тарихидаги янги босқич — кенг қўламли янгиланишлар, туб ўзгаришлар ва эзгу мақсадларга қаратилган қарорлар даври Сизнинг номингиз билан узвий боғлиқдир.

Мамлакат Сизнинг оқилона раҳнамолигингиз остида кенг қамровли ислохотлар йўлида дадил илдамлаб бормоқда, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, давлатчиликини мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Ўртамизда қарор топган ўзаро ишонч ва дўстлик муносабатларини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган Сизнинг бекиёс ҳиссангизни юксак қадрлайман. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил ривожланиб, янги мазмун ва амалий натижалар билан бойишига ишончим комил.

Мухтарам Шавкат Миромонович, қадрли биродарим, Сизга мустаҳкам соғлиқ, туганмас куч-ғайрат, оилавий бахт-саодат, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Сизнинг оқилона раҳнамолигингиз туфайли Ўзбекистон кенг қўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириб, қудратли ва барқарор давлат сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида азалдан қарор топган яхши қўшничилик ва қардошлик муносабатларини асраб-авайлаш, стратегик шериклики янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш биз учун муҳим мақсад ҳисобланади.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига Сизнинг шахсий муносабатингизни юксак қадрлаймиз.

Сизнинг Қирғиз Республикасига бўлажак давлат таширфингизни интиқлик билан кутмоқдаман ҳамда давлатларимиз ўртасида эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳаларни изчил амалга ошириш масалаларини муҳокама қилишга тайёр эканимни билдираман.

Мухтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Сизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз туфайли бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил илдамлаб, халқаро майдондаги нуфузини изчил мустаҳкамлаб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида халқларимизнинг муштарак тарихий аънаналарига асосланган дўстлик, яхши қўшничилик ва эзгу ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссангизни юксак қадрлаймиз. Айниқса, самимият, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган шахсий муносабатларимизни қадрлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини барча жаҳалларда янада кенгайтириш йўлидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида давом эттиришдан қатъий манфаатдор эканимизни яна бир бор таъкидлайман.

Ҳаётингиздаги ушбу қутлуг кунда Сизга, қадрли биродарим, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, узоқ умр, туганмас куч-ғайрат ҳамда дўст Ўзбекистон халқининг орзу-интилошларини рўёбга чиқариш йўлида янги зафарлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг!

Сиз олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон изчил тараққий этиб, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда. Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги аънаваний дўстона муносабатлар ҳамда ҳар томонлама стратегик шерикликини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Халқларимиз ўртасидаги муштарак тарихий-маданий ва маънавий қадриятларга асосланган муносабатлар чинакам қардошлиқнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муносабатлар бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни қабул қилинг!

Халқингиз фаровонлиги йўлидаги тинимсиз меҳнатингиз ва узоқни кўзлаган давлат сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон янги марраларни забт этиб, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда салмоқли ютуқларни кўлга киритмоқда.

Халқларимизни кўп асрлик тарихий ва маданий аънаналар боғлаб туради. Буларнинг барчаси Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бугунги глобал ўзгаришлар шароитида самарали ва конструктив ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимизнинг барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровонликка эришишга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларини эътироф этиш жоиз. Сўнгги йилларда Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу савдо айланмасининг жадал ўсиши, транспорт, энергетика, логистика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги муваффақиятли ҳамкорликда яққол тасдиғини топмоқда.

Шу муносабат билан Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга узоқни кўра билувчи ва тажрибали раҳбар сифатида қўшган шахсий ҳиссангизни алоҳида таъкидлашни истардим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожланиб боришига ишончим комил.

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Сизни таваллуд кунингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман!

Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркманистон Халқ Мислаҳати Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Азиз қардошим!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизни шахсан ўз номидан ҳамда бутун Озарбайжон халқи номидан самимий муборакбод этаман.

Сиз қардош Ўзбекистоннинг тараққиёти, халқингиз фаровонлиги ва мамлакатингизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замонамизнинг буюк давлат арбобисиз. Замонавий Ўзбекистоннинг узоқ истикболга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини изчил амалга ошириш, кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли ҳаётга татбиқ этиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида эришилаётган юксак натижалар Сизнинг узоқни кўзлаган раҳбарлигингиз ва бой давлатчилик тажрибаингизнинг ёрқин ифодасидир. Бу барча улкан ютуқлар замирида Ватанга бўлган чексиз муҳаббатингиз ҳамда унинг равнақи йўлидаги бекиёс хизматларингиз муҳассам.

Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг асрлар давомида шаклланган дўстлик ва қардошлик аънаналарига таянади. Кейинги йилларда ушбу алоқалар мислсиз тараққиёт босқичига кўтарилди. Чуқур тарихий илдизлар, муштарак маданий мерос, тил яқинлиги ҳамда умумий миллий-маънавий қадриятлар каби мустаҳкам пойдевор асосида қурилган муносабатларимизнинг иттифоқчилик даражасига кўтарилиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани алоҳида мамнуният бағишлайди. Давлатлараро муносабатларимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги бекиёс хизматларингиз учун Сизни халқимиз буюк дўсти сифатида қабул қилади ва Сизга чуқур эҳтиром билан қарайди.

Ишонаманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари ҳамда кўп қиррали ҳамкорлигимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан келгуси йилларда янада мустаҳкамланиб, қудратли иттифоқчилигимиз янги ютуқлар билан бойиб боради.

Азиз қардошим!

Сиз билан ўтказган учрашувларимиз ва самимий мулоқотларимизни доимо катта мамнуният билан хотирлайман. Ўзаро ишонч, юксак ҳурмат ва самимий дўстликка асосланган шахсий муносабатларимизни юксак қадрлайман.

Ҳаётингизнинг ушбу муҳим куни муносабати билан Сизга ва қадрли оилангизга яна бир бор энг эзгу тилакларимни изхор этиб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат ва битмас-туганмас куч-ғайрат, қардош Ўзбекистон халқининг бахтли келажаги ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган шарафли олий давлат фаолиятингизда янги-янги муваффақият ва зафарлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР ЕТАКЧИЛАРИ КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
24 июль куни Қатар Давлати
Амири Шайх Тамим бин Ҳамад
Ол Соний билан телефон орқали
мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирининг Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Олий ва юқори даражадаги самарали мулоқот ва алмашинувлар фаоллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кўришга келишиб олинди.

Телефон суҳбати чоғида сиёсий мулоқот ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ў.А.

Муҳокама

БИР ТИЛ, БИР АЛИФБО



Лотин алифбосига ўтиш масаласи бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Бу бўйича илк бор ўтган асрнинг бошларида ашаган жадидлар бош қотирган. Улар миллатнинг миллат сифатида шаклланиши, танилишида муайян қонун-қоидалар асосида тизимлаштирилган, маълум меъёрга келтирилган адабий тил зарурлигини англаб етганлари боис шундай қарорга келган эди.

Бундан роппа-роса юз йил олдин, яъни 1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган Биринчи Бутуниттифок туркология курултойида туркий халқларнинг лотин алифбосига ўтишлари ҳақида қарор қабул қилинади. Ўзбекистонда ҳам лотин ёзувга ўтиш, лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосини яратиш бўйича жиддий ҳаракатлар бошланади.

Гарчи орадан бир аср ўтган бўлса-да, мазкур масалада аниқ бир тўхтамаг келинмади. Шу пайтга қадар халқимиз бир неча марта алифбо ўзгаришларига дуч келди. Ҳар сафарги ўзгариш, таъбир жоиз бўлса, турли муаммоларни келтириб чиқарди.



Халқчил қонун



Кибержиноятларга қарши янги қадам:

ЖАЗОДАН КЎРА, ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида “Киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ҳамда Сенатга юборилди.

Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида қонун лойиҳасига масъул — Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари фикрлари билан қизиқдик.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент Жаноблари, кадрли Шавкат Миромонович!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият тилаб, энг самимий эзгу тилакларимни йўллайман.

Сўнгги йиллардаги ўзаро таширфларимиз чинакам стратегик шерикликка асос солди ва кўплаб соҳаларда, хусусан, иқтисодий, илмий ва маданий йўналишларда ҳамкорлик истиқболларини очиб берди. Шу муносабат билан яқинда Францияга биринчи расмий таширфини амалга оширган Президент Администрациясининг раҳбари билан ушбу лойиҳаларни муҳокама қилганимдан бағоят мамнун бўлдим.

Яқинда эришилган ютуқлар қаторида келаётган ўқув йилидан бошлаб Ўзбек-француз университетида дарслар бошланишини ва Тошкентда Гюстав Русси институти филиали очилишини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сизни ишонтириб айтаманки, мен бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга содиқ бўлиб қоламан. Сиз билан тез орада, хусусан, агар иш жадвалингиз имкон берса, 9-10 сентябрь кунлари Парижда бўлиб ўтадиган Халқаро космос саммити доирасида учрашиш шарафига муссасар бўламан, деган умиддаман.

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилишингизни илтимос қилиб қоламан.

Энг эзгу дўстона тилаклар билан,

Эммануэль МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз қардошим!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сихат-саломатлик, хотиржамлик ва узоқ умр тилайман.

Сизнинг узоқни кўзлаган ва оқилона раҳнамолигингиз остида ўз минтақасида муҳим ва нуфузли мавқега эга бўлиб бораётган, муштарак тил, маданият ва эътиқод ришталари билан чамбарчас боғланган Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларимизнинг нафақат икки томонлама, балки, аввало Туркий давлатлар ташкилоти доирасида, шунингдек, бошқа кўп томонлама платформаларда ҳам изчил равишда тобора чуқурлашиб ва мустаҳкамланиб бораётганини кўриш бизни беҳад қувонтиради.

Шу нуктаи назардан, муносабатларимиз ривожида муҳим босқич бўлган Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг 4-ййгилиши муносабати билан жорий йилнинг январь ойида Сиз, Жаноби Олийларини Туркияда қабул қилиш бахтига муюссар бўлганимдан бахтиёрман. Мазкур ййгилиш қўнларни бўйича эришилган келишувлар ҳамда ўзаро қатъий сиёсий иродамиз қардошлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган кенг қамровли стратегик шериклигимизни янада мустаҳкамлашига чин дилдан ишонаман. Шу билан бирга, 2026 йил 29-30 октябрь кунлари Анкара шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг 13-саммитида Сиз, Жаноби Олийлари билан яна бир бор учрашишга умид қилиб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига ва муҳтарам оилангизга мустаҳкам сихат-саломатлик, бахт-саодат ва хотиржамлик, кадрли дўст ва қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ҳамда равнақ тилаб, энг эзгу ва самимий тилакларимни йўллайман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Президент лавозимидаги кўп қиррали эзгу фаолиятингиз юксак эҳтиромга сазовордир. Ўзбекистоннинг самарали ислохотлари амалга ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш борасида эришаётган ютуқлари эса Ватанга фидокорона хизматингизнинг муносиб самарасидир.

БИР ТИЛ, БИР АЛИФБО

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзбек ёзуви-ни рус (кирилл) алифбосидан яна лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтказиш ҳақида фикр-мулоҳазалар уртага ташлан-ди. Бу масала бир йил давомида омма-вий ахборот воситаларида кенг жамоат-чилик иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбеки-стон Республикасининг “Лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни имзоланди. Ва янгидан қабул қилинган ўзбек алифбоси 31 ҳарф ва бир тутуқ белгиси (апостроф)-дан иборат, деб белгиланди. Аммо ора-дан икки йил ўтар-ўтмас Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 1995 йил 6 май куни алифбога ўзгартиришлар ки-риштиш тўғрисидаги қонун маъқуллиди. Қисқача айтганда, шу пайтга қадар я-нона алифбо борасида бир қарорга келин-мади. Бу эса турли муҳокама ва муноза-раларга сабаб бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 7 июндаги мажлисида “Лотин ёзу-виг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар то-

монидан қабул қилиниб, Сенатга юборил-ган эди.

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида айнан шу қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда ўзбек тилини ривожлантиришга, унинг дав-лат тили сифатида нуфузини оширишга катта эътибор қаратиляпти. Сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда ва халқаро майдон-да ўзбек тили фаол қўлланилмоқда. Хори-жий мамлакатларда ўзбек тилига эътибор, уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Мана шундай шaroитда лотин ёзуви-га асослан-ган ўзбек алифбосини ва имло қоидала-рини янада такомиллаштириш ҳаётий зар-руратга айланди.

Шу муносабат билан лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидалари мутахассислар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асо-сида такомиллаштирилиб, қонунга лотин ёзу-виг асосланган ўзбек алифбоси 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил то-пишини, шунингдек, айрим ҳарфларини қўлланилишини аниқлаштирувчи ўзгарти-риш киритилмоқда.

Ўртамизда қарор топган дўстона муносабатларни юксак қадрлайман ҳамда Сизнинг яқинда Беларусь Республикасига амалга оширган таширфингизни алоҳида илиқлик билан эслайман. Ўтказилган музокаралар Минск ва Тошкентнинг стратегик шериклиқни янада кенгайтиришдан ўзаро манфаатдорлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ишончим комилки, қўшма ишларимизга доир келишиб олинган мутлақо янги ёндашувлар ҳамда 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси»нинг имзоланиши асосий марра — товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш мақсадини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, туганмас куч-ғайрат, матонат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Сизга ва яқинларингизга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент Жаноби Олийлари!

Сизни муборак 69 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Июль куёшидек жўшқин ғайратингиз ва қатъий етакчилигингиз асосида Ўзбекистон изчил тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бормоқда ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами ҳам тобора кенгайиб, мазмунан янада бойиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этаман.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида Корея Республикаси билан «Алоҳида стратегик шериклик» муносабатларини ўрнатган ягона мамлакатдир. Узоқ йиллик дўстлик ва ҳамкорлик тарихига таянган ҳолда, икки давлат ўртасидаги алоқалар бугунги кунда энергетика, транспорт ва инфратузилма соҳаларидан ташқари сунъий интеллект, рақамли технологиялар, стратегик фойдалои қазилмалар, соғлиқни сақлаш ҳамда иқлим ўзгариши каби йўналишларда ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ сиёсий маслаҳатлашувларнинг икки маротаба ўтказилгани мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ва келажакка йўналтирилган ҳамкорлик лойиҳаларини изчил ривожлантиришга бўлган қатъий интилишининг яна бир ёрқин тасдиғидир. Ҳар икки давлат турли соҳаларда ўзига хос устуңлик ва салоҳиятга эга эканини ҳисобга олсак, шериклигимизнинг улкан салоҳияти ва синергияси ҳақиқатан ҳам чексиз эканига қатъий ишонаман.

Айниқса, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар корейс диаспорасини ҳам ўз ичига олган чуқур тарихий ришталар асосига қурилгани боис янада алоҳида аҳамият касб этади. Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати Корея фуқаролари ва Корея компаниялари фаолиятини доимо қўллаб-қувватлаб, уларнинг дуч келаётган муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиб келаётгани ҳам ана шу чуқур ишонч ва дўстлиқнинг ёрқин ифодаси, деб ҳисоблайман.

Жорий йил сентябрь ойда бўлиб ўтадиган биринчи «Корея Республикаси — Марказий Осиё» саммити мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик уфқларини янада кенгайтирадиган муҳим тарихий босқич бўлишига ишонаман. Бўлажак давлат таширфингиз давомида Жаноби Олийлари билан шахсан учрашиб, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масалалари, шунингдек, икки томонлама муносабатларимизни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан очиқ ва самимий фикр алмашиш имконига эга бўлишни интиқлик билан кутаман. Икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва миллий манфаатларига хизмат қиладиган сермахсул натижаларга эришиш йўлида бундан буён ҳам биргаликда саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга тайёрман.

Жаноби Олийлари, Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса узлуксиз равнақ тилаб қоламан.

Ли Чже МЁН,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли жаноб Президент, азиз Шавкат Миромонович!

Таваллуд куним муносабати билан йўллаган самимий ва эътиборли табрик мактубингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Сиз томонингиздан билдирилган эзгу тилаклар ва самимий сўзлар мен учун юксак қадр-қимматга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам Сизни таваллуд кунингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистонни янада фаровон ва ўзаро боғланган давлат сифатида ривожлантириш йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Брюссель ва Самарқанддаги учрашувларимиз ҳамда мулоқотларимизни илиқ хотиралар билан эслайман. Улар Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик муносабатларининг мустаҳкамлигини яна бир бор тасдиқлади. Мамнуният билан қайд этаманки, ҳамкорлигимиз янги ва янада шижоатли босқичга қадам қўйди, деган фикрингизга тўлиқ қўшиламан.

Шу муносабат билан, сентябрь ойдада БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги ҳафталиги доирасида мулоқотларимизни шахсан давом эттириш имкониятидан мамнун бўлар эдим. Шунингдек, Сизни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан биргаликда 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида ўтказиладиган тушлик учрашувига таклиф этиш мен учун катта мамнуниятдир. Ушбу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги стратегик шериклиқни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш ва фикр алмашиш учун яхши имконият бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилинг.

Хурмат билан,

Антониу КОШТА,
Европа кенгаши Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга табрикларимни йўллашдан мамнунман. Айни пайтда кеча менинг таваллуд куним муносабати билан йўллаган самимий мактубингиз учун чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан мамнун эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Жаноби Олийлари, ушбу қувончли сана муносабати билан Сизга ва оила аъзоларингизга энг эзгу тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси,**

Козовстон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев,**

Словения Республикаси Президенти **Наташа Пирц Мусар,**

Албания Республикаси Президенти **Байрам Бегай,**

Грузия Президенти **Михаил Кавелашвили,**

Арманистон Республикаси Президенти **Ваагн Хачатурян,**

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашиняң,**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён,**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазир ўринбосари, Президент Администрацияси раҳбари **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён,**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён,**

Ироқ Республикаси Президенти **Низор Омидий,**

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Мин Аун Хлайн,**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко,**

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси **Наталья Кочанова,**

Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев,**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин,**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари **Денис Мантуров,**

Татаристон Республикаси Раиси **Рустам Минниханов,**

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Сенати аъзоси **Стив Дейнс,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Италия Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни туғилган кунингиз билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурматимни билдираман ҳамда жорий йилнинг январь ойда Тошкентда бўлиб ўтган, давлатларимиз ўртасидаги мулоқотнинг мустаҳкам асоси бўлган ўзаро ишончни яна бир бор тасдиқлаган сўнгги учрашувимизни илиқлик билан ёдга оламан.

Ушбу кутлуг айём алоҳида аҳамиятга эга бўлган йилга — Ўзбекистонга раҳбарлик қилаётганингизга ўн йил тўлган даврга тўғри келмоқда. Ўтган ўн йиллик давомида мамлакатингиз нафақат Италия учун, балки халқаро майдонда ҳам обрўли ва ишончли ҳамкор сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлай олди. Сизга ва бутун ўзбек халқига ўзимнинг энг самимий табрикларимни йўллайман.

Стратегик шериклик руҳидаги икки томонлама муносабатларимиз эришган юксак даража бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида аниқ ва самарали натижалар беришда давом этишига ишончим комил.

Ушбу самимий дўстлик туйғулари билан Сизга яна бир бор туғилган кунингиз муносабати билан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва барча шахсий муваффақиятларни тилаб қоламан.

Жоржа МЕЛОНИ,
Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Сиз Жаноби Олийларига таваллуд кунингиз муносабати билан энг самимий табрик ва тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Ушбу кутлуг айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига янада юксак тараққиёт ва равнақ, мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам муносабатларга эса янада ривожланиш ва юксалиш тилайман.

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,
Қатар Давлати Амири

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари **Жо Вильсон, Трент Келли, Кэрол Миллер, Билл Хайсенга ва Жейсон Смит,**

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби **Кубаничбек Омуралиев,**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бош котиби **Сергей Лебедев,**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Нурлан Ермекбаев,**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Феридун Синирлюглу,**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Асад Хон,**

БМТ Бош котиби ўринбосари — БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори **Диене Кейта,**

МДҲ Парламентлараро ассамблеяси Кенгаши Бош котиби **Дмитрий Кобицкий,**

Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати Раиси **Бакитжан Сагинтаев,**

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (АЙСЕКО) Бош директори **Салим Ал-Малик,**

Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори **Жильбер УнҒбо,**

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти **Одиль Рено-Бассо,**

Москва ва бутун Рус Патриархи **Кирилл,**

Евроосиё тараққиёт банки бошқаруви раиси **Николай Подгузов,**

Халқаро дзюдо федерацияси президенти **Мариус Визер,**

Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Оллоҳшукур Пошшозода.**

Табриклар келишда давом этмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик камаймоқда

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Олмасор тумани Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма ййгилиш

Сенатор ва депутатлар Олмасор туманида криминоген вазиятни яхшилаш, хавфсиз муҳитни шакллан-тириш, ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш, жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олиш, шунингдек, яширин иқтисодиётни қисқарти-риш борасида амалга оширилаётган ишларни муҳо-кама қилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида туманда 52 та “хавфсиз кўча” ташкил этил-ган. Аҳоли гавжум ҳудудларига 533 та видеокузатув камераси ўрнатилиб, 1 142 та объект техник кўрик-ловга олинган ва кўп қаватли уйлар 278 та домофон, 311 та “ташвиш тугмаси” билан жиҳозланган.

Пробация ҳисобида турган 193 нафар шахс иш билан таъминланиб, уларни масофавий назорат қилиш имконини берувчи “РРОВБ24” электрон куза-тув дастури ишлаб чиқилган. 137 минг нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, ҳимоя ордери берилган

2027 йилдан бошлаб пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган иш ҳақининг юқори чегарасини ҳозирги 6 млн. сўмдан 6,6 млн. сўмга ошириш кўзда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШДА
ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисла-рида маъқулланган қонунлар ва қабул қилинган қарорлар-нинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жойларда давлат дастурлари ижроси, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда тadbир-корликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назорати доирасида сенатор-лар томонидан мунтазам равишда ўрганиш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Жумладан, Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озригул Қозихонова хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими фаолияти билан танишиш ҳамда сайёр қабул ўтказиб, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Дастлаб сенатор Қувасой шахридаги “Она уйи” ресурс мар-кази фаолиятини ўрганди. Марказда ижтимоий ҳимояга мўлжал хотин-қизлар, ҳомилдор аёллар ва ёлғиз оналарга қўрсатилаёт-ган ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ҳамда тиббий хизматлар, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишилди.

“Хотин-қизларни таълим ва эъравонликдан ҳимоя қилиш тўғриси-да”ги Қонун ижроси, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга комплекс хизматлар кўрса-тиш ҳамда идоралараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ма-салалари муҳокама этилди.

Сенатор “Она уйи” ресурс марказлари хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга қайта мослаштиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, мар-казлар фаолиятини янада такомиллаштириш, хизматлар сифа-тини ошириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича тақ-лиф ва тавсияларини билдирди.

Шу билан бирга, сайёр қабул давомида аҳолини қўйнаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат-лар, транспорт ва инфратузилма соҳаларига оид мурожаатлар муҳокама қилинди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўми-таси раиси Одилжон Маматқаримов Наманган вилоятида бўлиб, Президентимиз томонидан белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси, маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ҳамда халқ де-путатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ўрганди.

Наманган шахридаги Ёшлик маҳалласида “маҳалла еттичили-ги” вакиллари билан ўтказилган мулоқот мобайнида аҳоли му-рожаатларини ўз вақтида ва сифатли хал этиш, бандликни таъ-минлаш, камбағалликни қисқартириш, ёшларни қўллаб-қувват-лаш ҳамда ижтимоий ҳимояга мўлжал аҳоли билан манзилли ишлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Наманган шахридаги мактабгача таълим таш-килотлари ва умумтаълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, таълим сифати ҳамда реконструкция ишлари-нинг бориши кўздан кечирилди.

Косонсой туманида эса халқ депутатлари туман Кенгаши де-путатлари ва доимий комиссиялари фаолияти таҳлил қилинди. Худуд-ларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, парламент назорати таъсирчанлигини ошириш, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш самарадорлигини кучайтириш ҳамда Кенгашлар фа-олиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сенатор Косонсой туманида 14-умумтаълим мактабида бунёдкорлик ишларининг бориши, яратилаётган шарт-шароит-лар ва қурилиш сифати билан ҳам танишди.

Шунингдек, тумандаги олиавий шифокор пункти фаолияти кўздан кечирилиб, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, мавжуд инфратузилма ва соҳа самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокамага тортилди.

Бундан ташқари, сенатор томонидан сайёр қабуллар ҳам ўтказилди. Уларда фуқароларнинг мурожаатлари эшитилиб, баъзи масалалар ҳойида хал этилди. Қўшимча ўрганиш талаб қилувчи мурожаатлар назоратга олиниб, тегишли давлат орган-ларига депутатлик сўровлари юборилиши белгиланди.

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўми-таси раиси ўринбосари Сайёра Абдиқаримова Хоразм вилояти-да парламент назорати доирасида амалга оширилаётган иш-лар билан танишди.

Дастлаб сенатор Богот туманида жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда те-гишли идора ва ташкилотлар масъуллари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Сенат томонидан маъқулланган қонунлар, қабул қилинган қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг мамлакат тараққиёти, аҳоли манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳудудларни комплекс ривож-лантиришдаги аҳамияти юзасидан атрофлича маълумот бе-рилди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, қарорларни қонунчилик талаблари асосида қабул қилиш, қонун-ларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, қонунчи-лик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Кенгаш сессия-ларида масъул ташкилотлар ҳисоботларини мунтазам эшитиш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари бўйича фикр-лашилди.

Сайёра Абдиқаримова, шунингдек, Урганч давлат универси-тети талабалари билан учрашди. Унда сенатор ёшларнинг та-шаббуслорлиги, илм олишга интилиши, янгиликка очикилиги, жамият ҳаётидаги фаол иштироки тараққиётнинг муҳим омил-ларидан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил амал-га оширилаётгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қили-наётганини ҳамда таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаёт-ганини айтди.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши ку-рашиш қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Зумрад Бекатова Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаёт-ган ишлар билан танишди.

Отчолар ва Қиличбек кўргонча маҳаллаларидаги ўрганишлар чоғида сенатор “маҳалла еттичили-ги” билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг на-тижаларига ҳам эътибор қаратди. Хусусан, ишсиз фуқароларни аниқлаш, уларни доимий иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш ва даромадли меҳнатга жалб этиш юзасидан амалга оширилган ишлар шулар жумласидандир.

Шундан сўнра сенатор халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашларини Маҳаллий бюджет, тadbиркорликни ривожланти-риш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий ко-миссияси ййигилишида иштирок этди. Унда депутатларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш йўналишида “маҳалла еттичили-ги” билан ҳамкорликдаги ишлари муҳокама қилиниб, депутатлик назора-тини кучайтириш, масъул ташкилотлар фаолияти самарадорли-гини ошириш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан фикр ва тақлифлар билдирилди.

Сенатор аҳоли ва тadbиркорлар билан бўлиб ўтган учрашу-ларда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, давлат то-монидан яратилган имтиёз ва қўллаб-қувватлаш механизмла-ридан самарали фойдаланиш, аҳолининг мавжуд муаммолари-ни бартараф этиш масалалари юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт. Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Кибержиноятларга қарши курашда янги қадам:
ЖАЗОДАН КЎРА, ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

РАҚАМЛИ ЎҒРИЛИК
НЕГА ЖИДДИЙ
МУАММОГА
АЙЛАНДИ?

Зухра МИРФОЗИЕВА,
қўмита раисининг ўринбосари:



57 480 тага етган. Таҳлиллар эса жиноят-ларнинг 95 фоиздан ортиги “дроп” банк кар-талари орқали содир қилинганини кўрсат-моқда.

Бу рақамлар киберхавфсизлик масаласи энди фақат ахборот технологиялари соҳаси эмас, балки фуқароларнинг мулкий ҳуқуқла-ри, иқтисодий хавфсизлик ва жамият ишон-чи билан боғлиқ масалага айлانганини кўрсатади. Менимча, бунинг икки асосий са-баби бор. Биринчиси, рақамли хизматлар ҳаётимизга жуда тез кириб келди. Бугун банк хизматлари, онлайн савдо, давлат хизмат-лари ва ҳатто кундалик тўловлар рақамли муҳитга кўчди. Иккинчиси эса фирибгарлик усуллари ҳам шунга мос равишда такомил-лашди.

Ташвишлиси, энг эҳтиёткор одам ҳам пух-та режалаштирилган фирибгарлик схемаси қурбонига айланиши мумкин. Демак, муам-мони фақат “эҳтиёт бўлинг” деган қақирқ-лар билан хал қилиб бўлмайди. Давлат ҳам фуқаронинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтири-ши шарт. Янги қонуннинг зарурати айнан шундан келиб чикди.

МУҲОКАМАДА ДЕПУТАТЛАР
ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА
АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ?

Адҳам НАЗИРКУЛОВ,
қўмита аъзоси:



— Сайловчилар билан уч-рашувлар давомида “кар-тамдаги пулни ўғирлашди”, “банкдан кўнғирок қилиб”, “СМС сўрашди”, “паспорт ра-қамларимни айтишини керак экан” мазмунидagi мурожа-атларни кўп эшитамиз, ёзиб оламиз. Ачинарлиси, киберўғрилардан жабрланганларнинг асосий қисми шундоқ ҳам ўзгалар кўмагига мўлжал бўлган шахс-лар, яъни кекса отахон, онахонларимиз, ну-ронийларимиз ҳисобланган. Лойиҳани та-комиллаштиришда шу мурожаатларнинг қўлами кенгайиб бораётганини ва бу муам-

мода фақатгина карта эгаларини “айбдор” қилиш тамойилидан воз кечиш кераклиги-ни қайд этдик.

Кўп гувоҳи бўляпмиз: айрим банкларга қилинган киберхужумлар оқибатида юзлаб, ҳатто минглаб фуқаролар жабр кўрган, мил-лиардлаб сўм зарар етказилган. Шу боис биз банклар ёки тўлов ташкилотлари томо-нидан ахборот хавфсизлиги ва киберхавф-сизлик бўйича белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги оқибатида киберфирибгар-лик содир этиладиган бўлса, моддий зарар-нинг ўрни шу ташкилотларнинг ҳисобидан қопланишини белгилайдиган нормаларни ки-ритдик. Кейин айрим идоралар манфаатига хизмат қиладиган меъёрларни лойиҳадан чиқариб ташладик.

Яна бир муҳим жиҳат: амалдаги қонунчи-ликда ўзининг банк картаси ёки электрон ҳамёнига бошқариш ҳуқуқини бошқа шахс-ларга сотганлиги учун жавобгарлик белгилан-маган. Шунинг учун бирор-бир шахс ўзи-нинг шахсий акаунтини ёки абонент рақа-мини моддий манфаат эвазига бошқа шахсга тақдим этса ёхуд бошқа шахсга гаразли мақсадларда фойдаланишига йўл қўйса, жавобгар бўлишини қонун доираси-да белгилаб қўйдик.

Мунозаралар давомида биз битта муҳим ҳулосага келдик: кибержиноятларга қарши курашишни фақат жазони қучайтириш бил-лан самарали ташкил этиб бўлмайди. Шу-нинг учун иккинчи ва учинчи ўқишга тайёр-лаш жараёнида лойиҳанинг айрим норма-лари ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуктаи наз-ридан янада аниқлаштирилди, профилакти-ка ва ҳуқуқий аниқликка қаратилган ёнда-шувлар қучайтирилди. Мақсад битта — қонун қабул қилинган, у амалда ишлаши керак, фуқароларнинг мулкий, ҳуқуқий ва моддий хавфсизлиги мустаҳкам муҳофаза этилиши зарур.

«ДРОП» КАРТА НИМА ЎЗИ?
ФУҚАРО ФАРЗАНДИ ЁКИ
ЯҚИНЛАРИГА КАРТАСINI
ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
БЕРАДИГАН БЎЛСА, ЖАВОБГАР
БЎЛИБ ҚОЛАДИМИ?

Шўхрат ШАРАФУТДИНОВ,
қўмита аъзоси:

— Оддийроқ айтганда, “дроп” карта — бу гаразли мақсадларда фойдаланиш учун ўзга шахс номига очилган банк картаси ҳисоб-ланади. Яъни жиноятчилар томонидан ноқо-нуний қўлга киритилган маблағлар шу “дроп” картага туширилади ва ҳисоб рақамларга йўналтирилади.

Қонунда аниқ қилиб белгиланяпти: агар фуқаро ўз номига расмийлаштирилган

электрон тўлов воситаси орқали гаразли ни-ятларда, ўзга шахснинг кўрсатмаси асосида ёки ғайриқонуний пул ёки криптоактив ўтказ-маларини амалга оширса ёки уни шу гараз-ли мақсадлар учун ўзга шахсга берса, жа-вобгарликка тортилади.



Демак, картани яқин қариндошига тўғри мақсад-ларда фойдаланиш учун берса, ҳеч қандай чора кўрилмайд. Шунда ҳам ўша яқин қариндоши маз-кур картадан ёки электрон ҳамёндан гаразли ёки ғайриқонуний мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик шарт билан беришига йўл қўйилади. Аввало, карта билан боғлиқ ама-лиётлар, уларни кимга бериш мумкин ёки мумкинмаслиги банк ва миждо ўртасида ту-зилган шартномада ҳам белгилаб қўйилади. “Оферта”да банк қандай талаб қўйса, ми-ждо шунга амал қилиши керак.

Қисқача айтганда, қонун билан картани бошқариш имкониятини ўзга шахсга бериш ёки электрон тўлов воситасини, банк ҳисоб-варагини ёхуд криптоҳамёнини ва (ёки) уни бошқариш имкониятини берувчи маълумот-ларни қасддан тақдим этиш чекланяпти.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАЖРИБАСИДАН
ҚАЙ ДАРАЖАДА
ФОЙДАЛАНИЛДИ?

Беҳзод ТЎХТАМУРОВОВ,
қўмита аъзоси:

— Бугун кибержиноят-ларга қарши курашиш бўйича дунёда ўзига хос тажриба шаклланган. Шу-нинг учун қонун лойиҳаси-ни муҳокама этишда қатор давлатларнинг амалиёт-и ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, АҚШ, Канада, Колум-бия, Буюк Британия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Япония каби давлат-лар тажрибаларини ўргандик ҳамда Европа Иттифокининг “Кибержиноятлар тўғрисида”-ги конвенцияларида белгиланган қоидалар-ни бирма-бир таҳлилдан ўтказдик.

Масалан, АҚШ ва Хитойда ахборот ти-зимларини ҳимоя қилиш чораларини кўрма-ганлиги сабабли масъул шахсларга жарима жазоси белгиланган бўлса, Туркияда тизим-даги заифликларни бартараф қилиш билан бирга, жарима қўллаш, шунингдек, ҳолат-дан келиб чиқиб, тааллуқли бўлган фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш, мавжуд ли-цензияни бекор қилиш каби чоралар қўлла-нилиши эътиборимизни тортди. Ёки олай-

қабуллар ўтказилиб, фуқаролар томонидан билдирилган му-рожаатларнинг аксарияти жойида хал этилди. Қўшимча чора-тадбирларни талаб қиладиган масалалар эса манзилли “Йўл харитаси”га киритилди. Ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни иш билан таъминлаш, тadbиркорликка йўналтириш ва ижтимо-ий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Отабек МУСУРМОНОВ, депутат:



— Давлатимиз раҳбари раислигида ўтқа-зилган видеоселектор ййигилишида иқтисо-диёт тармоқлари ва ҳудудлардаги ишлар танқидий таҳлилдан ўтказилиб, энг муҳи-ми, ҳар бир раҳбар фаолиятига энди ама-лий натижа асосида баҳо берилиши қатъий талабга қўйилди. Бу вазифалар-нинг мазмун-моҳияти жойлардаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш, аҳолини қўйнаётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш ва ҳар бир қабул қилинган қарорнинг одамлар ҳаёти-даги самарасини таъминлашдан иборат. Биз ҳам парламент вакили сифатида ҳудудлардаги ҳолатни чуқур ўрганиб, муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш ва ижрони парламент назоратига олишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни ўйлантираётган масала-ларни қонунчилик даражасида ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Мулоқотлар давомида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган бундай ўрганишлар Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, қонунлар ва давлат дастурлари-нинг жойлардаги самарадорлигини баҳолаш, аҳолини қўйнаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш ҳамда парламент назоратини янада қучайтиришга хизмат қилад-гани таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг худуд-лардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Бекобод металлургия комбинатидаги 90 гектар майдонда тайёр инфратузилмага эга «Ўзбекистон экологик технологиялар саноат парки» ташкил этилади.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, кўлами ва аҳамиятига эътибор қаратсак, улар мустақилликдек бебаҳо неъматни асраб-авайлаш билан бирга, у ато этган ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, халқимизнинг орзу-армонларини ушлатириш, одамларимизнинг қаддини ва қадрини тиклаш, миллий гурурини юксалтириш, бахтли ҳаёт кечирishiга эришиш ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани яққол намоён бўлади. Демак, истиқлол халққа имоният беради, аммо унинг самараси халқнинг бирлиги, меҳнати ва фидойилиги билан бўй кўрсатади. Ягона Ватан туйғуси ва ягона халқ бўлиб ҳаракат қилиш орқалигина тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этилади,

келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Шу маънода, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида бу йилги энг улуг, энг азиз байрамимиз “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояни ўзида муҷассам этган ғоявий-бадий концепция ҳамда дастур асосида нишонланиши белгилангани ғоят оқилона ва адолатлидир. Мазкур ғоя Янги Ўзбекистон тараққиётининг мазмун-моҳиятини, халқимизнинг интилишлари ва келажаққа қаратилган стратегик мақсадларини ўзида муҷассам этади. Бугун юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий ўсиш, замонавий инфратузил-

ма, янги шаҳар ва қишлоқлар, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларидаги улкан ўзгаришларнинг барчаси айнан мустақиллик берган беқиёс имкониятлар самарасидир.

Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари, ҳар хил динларга эътиқод қилувчи фуқаролар ягона Ватан фарзандлари сифатида тинч ва аҳил яшаб келмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ҳам халқимизнинг ана шу бирлиги, ҳамжиҳатлиги ва ўзаро ишончи энг катта кучга айланмоқда.

Махсус саҳифамизда ана шу қайноқ жараёнларнинг фаол иштирокчилари, фидойилари бўлган юртодшларимиздан айримларининг дил сўзлари, фикр-мулоҳазалари газетхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ЗАМОНИ КЕЛДИ

Икlima ЖўРАЕВА,
“Шухрат” медали соҳиби (Ғиждувон тумани):

— Фаолиятимни фабрикада оддий ишчи, тўқувчи вазифасида бошлаганман. Бундан чамаси 30 йилча муқаддам қўлимдаги чўғи пастроқ сармоя билан ўз бизнесимни йўлга қўймоқчи бўлганим ҳам эсимда. Аммо “Онанга бор, отанга бор” қабилидаги муносабатни кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Бирок сабр қилдим. Буни қарангки, тадбиркорлик ростманасига қўллаб-қувватланган кунлар келди. Ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларимнинг барорини бериб, бир эмас, учта корхона таъсисчисига айландим. Ўнлаб иш ўринлари яратиш насиб этди.

Бухоро нафақат бой тарихи, ноёб ёдгорликлари, тарихий қадамжолари, балки бетакрор табиати билан ҳам сайёҳларни ўзига мафтун қилмоқда. Шунини инобатга олиб, Қизилқумга туташ ҳудудда экомаскан барпо этдик. Лойиҳани рўёбга чиқариш учун чўлдан 33 гектар ер ажратилди. Бир миллиард сўм миқдоридаги сармояни шу мақсадга йўналтирдик. Чўлда ўтовлар қад ростлади. Қирк минг тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Сув ҳавзаси барпо этилди. Экомасканимизда от ва туялар, туяқуш, ғоз, парранда, шунингдек, турли-туман қўшлар бор. Сайёҳлар масканда туя ва отда сайр қилиш, камондан ўқ отиш, балқ овлаш билан шуғулланишлари, чўл ҳавосида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бу ерда элиқандан зиёёд иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар менинг суянчим, деб кўп айтади. Соҳа вакилларига шу вақтга қадар мисли қўрилмаган имкониятлар берилмоқда. Шу боис ишбилармонлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Ўзим ҳам улар сафида эл-юртга камарбаста эканимни ўйлаб, кўнглимда шукроналик ҳисси уйғонади.

ҲАР БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДА

Асқаржон БАДАЛОВ
(Бёвут тумани, Муқимий номидаги маҳалла):



— Рости, бир йил аввал тушқунликка тушиб қолгандим. Ахир эркак киши — оила бошлиғи учун рўзгорини юри-толмаслик, пул ишлаб тополмасликдан ортиқ изтироб борми?

Ҳаёт экан, бирмунча вақт ана шундай қийин аҳволда қолдим. Бунга эса бахтсиз ҳодиса сабаб бўлди. Энди аввалгидек қурилиш ёки шу каби бошқа ишларни бажаролишмди. Менга катта жисмоний куч ва ҳаракат талаб қил-майди. Бундан ташқари, бу ҳаётимда кўрдим.

Муаммонинг ечимини Бёвут тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг маҳалламиздаги ижтимоий ҳодими Шохруҳ Абдурайимовнинг хонадонимизга келиб, аҳолиимизни обдон ўрганишидан бошланди. Ижтимоий ҳодим, аввало, даволанишим учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали моддий ёрдам ажратилишига кўмаклашди. Сўнгга менга иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Кўмак ва эътибор шу билан тўхтаб қолмади. Фарзандим бадал тўловидан озод этилган ҳолда боғчага қатнай бошлади. Турмуш ўртоғим ижтимоий лойиҳа асосида касб-хунар ўрганмоқда. Ўқиб-ўрганиши асносида унга стипендия ҳам тўланаётир. Ўзимни эса имкониятимга жуда мос доимий иш билан таъминлашди. Ҳозир Халқ банки агентиман. Бу иш орқали ҳам оиламга, ҳам одамларга наф келтирялман.

Бугун бултурги тушқун кайфиятдан асар ҳам қолгани йўқ, бутун оиламиз билан хотиржам ва шодон ҳаёт кечиряпмиз. Энди менда ва оиламда эртанги кунга мустаҳкам ишонч, умид бор. Бу ишончим юртимизда Президентимиз ташаббуси билан яратилган қафолати ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ва ҳар бир фуқарога юксак эътиборни ўз ҳаётида кўрганимдан сўнг янада мустаҳкамланди.

ОРОЛБЎЙИ — ИМКОНИАТЛАР МАНЗИЛИ

Байрам ИСКЕНДЕРОВ,
халқ депутатлари Кегейли тумани Кенгаши котибият мудир:



— Мамлакатимизда кейинги йилларда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва инфратузилмани замон талаблари асосида янгилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида янгилашнишлар насими энг чекка ҳудудларга ҳам кириб борди. Орол денгизининг қуриши оқибатида улкан экологик фожиа билан юзлашган ҳудудда қисқа фурсатда тарихий ишлар амалга оширилиб, аҳолини қийнаб кел-лаётган кўплаб муаммолар барҳам топди. Одамларнинг эртанги кунга ишончи қайтди. Оролбўйи янги имкониятлар манзилига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай эзгу ишларни изчил давом эттиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарорни бутун республика қатори Кегейли тумани аҳолиси ҳам катта мамнуният ила қутиб олди. Чунки унда туман аҳолиси учун долзарб бўлган қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилган кенг қўламли амалий ишлар белгиланган.

Аввало, ичимлик суви таъминоти масаласига эътибор қаратилаётгани кўпчиликнинг айни дилдаги гап бўлди. Чунки узоқ йиллар давомида айрим маҳалаларда тоза ичимлик суви етишмаслиги, тармоқлар эскир-

гани, сув босими пастлиги аҳолини қийнаб кел-лаётган эди. Энди туман бўйича 234 километр сув тармоқлари тортилиб, 6 та қудуқ қазилди ва 4 та ичимлик суви иншооти қурилди. Бу ишлар учун 56 млрд. 197 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси янада яхшиланиб, обиҳаёт танқислиги билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич бартараф этилади.

Йўл инфратузилмасини замон талабларига мослаштириш ҳам асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Туман ҳудудидидаги 20 километр автомо-

билъ йўлларини таъмирлаш учун 28 млрд. сўм йўналтирилиши режа-лаштирилган.

Аҳолининг энг кўп муурожаат-ларига сабаб бўлаётган масала-лардан яна бири электр таъминоти билан боғлиқ. Шу боис 13 млрд. 173 млн. сўм маблағ барқарор электр таъминоти учун ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига 53 километр электр тармоқлари тортилади ҳамда 12 та трансформатор пункти ўрнатилди. Натижада электр кучланишининг пасайиши, узи-лишлар ва қувват етишмаслиги каби муаммолар сезиларли даражада камаяди.

Карорда саноатни ривож-лантиришга ҳам эътибор берил-ганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яъни туманда қизилмия илди-зини қайта ишлаш, қурилиш мате-риалларини ишлаб чиқариш ва тўқимачилик йўналишларида кўплаб янги лойиҳалар амалга оширилади. Бу эса янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилад.

Буларнинг барчаси пировар-дида аҳолининг кўп йиллик му-аммоларини ҳал этиб, турмуш фаровонлигини оширади, ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартиради.

КЎМАК ВА ИШОНЧ ШИЖОАТИМИЗГА ШИЖОАТ ҚЎШДИ

Гуллола ОТАЖОНОВА,
яқка тартибдаги тадбиркор (Хонқа тумани, Гулистон маҳалласи):

— Илгари оиламиз “Камбагал оилалар реестри” рўйхатида турар, даромадимиз пастлиги туфайли рўзгор юқини тортишда анча қийналиб қолган эдик. Мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни даромадли меҳнатга жалб қилиш борасидаги ишлар бизга ҳам ўнг келди.

“Собиржон Юсуф” фермер хўжалиги раҳбари Оймжон Отажонова иссиқхонада гул етиштириш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, маҳалламиздаги кўпчилик оилаларни гулчиликка қизиқтирди. Аммо биз иш бошлашга молиявий имкон топа олмай юрган эдик. Шунда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси томорқамизда иссиқхона



ташкил этиш ва гулчилик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит олишни таклиф қилди. Қисқа муддатда оиламизнинг тўрт нафар аъзосига 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағнинг 18 млн. сўмига тўртта иссиқхона курдик, қолганини эса турли гул навлари харидага ва фаолиятимизни кенгайтиришга сарфладик.

Мутахассисларнинг айтишича,

гулчилик соҳаси кам харажат билан юқори даромад олиш имконини берувчи йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, иссиқхона шароитида етиштирилган манзарали ва хонаки гулларга бозорда талаб юқори. Шу боис бизнесда омадимиз келди. Даромадимиз чакки эмас. Ўз меҳнатимиз орқали рўзгоримизни таъминлаялмиз.

Меҳнат билан топилган ризқнинг баракаси ва қадри ҳамиша балан бўлади. Юртимизда яратилган имкониятлар ва молиявий кўмак кучимизга куч, шижоатимизга шижоат қўшди. Бугунги кунда ушбу иссиқхоналарда парваришланаётган рангбаранг гуллар нафақат оиламизнинг даромад манбаи, балки маҳалла кўрқига айланди.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Ферузахон ХУДОЁРОВА,
«Андижон сув таъминоти» АЖ ҳодими:



инсон учун ўз уйига эга бўлиш баъзан ушалмас орзудек туюлади.

Мен ҳам узоқ йиллар давомида ижарада яшадим. Қийналган пайтларим хорижа ишлаш учун кетиш ҳақида ҳам ўйлаганман. Бирок бугун ортга назар ташлар эканман, инсон учун энг катта бойлик ўз юртида кадр топиши, Ватани бағрида яшаши эканини яна бир бор англайман.

Яхшиямки, бошимизда халқ дардини ўйлайдиган, оддий инсонларнинг турмушини енгил қилишга интиладиган давлат раҳбари бор. Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айниқса, уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мен каби минглаб оилалар ҳаётида катта бурилиш ясади. Мен ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2025 йилда субсидия асосида хонадонли бўлдим. Ҳозирда Андижон вилоятининг Бобур шаҳрида истикомат қилмоқдам.

Даровке, бугун Бобур шаҳрини кўрган одам

унинг нақадар тез суръатларда бунёд этилаётганига ғувоҳ бўлади. Ҳудуд улкан қурилиш майдонига айланган. Янги кўчалар, замонавий инфра-тузилма, қад ростлаётган қўп қаватли уйлар шаҳар қиёфасини янгидан кашф этмоқда. Кўчамиз бошидаги лойиҳа баннерига кўзим тушганда, амалга оширилаётган ишлар кўламидан яна бир бор ҳайратландим. Унда шаҳарнинг бош режаси доирасида 2 мингта қўп қаватли уй қурилиши белгиланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр бўлган уйларнинг катта қисмига мингдан зиёд оилалар қўчи-рибди. Яна ўнлаб янги уйларда қурилиш иш-лари жадал давом этмоқда.

Энг муҳими, бу бинолар оддий қурилиш эмас, балки инсонлар тақдирини ўзгартираётган манзиллардир. Кечагина ижарама-ижара юриб, эртанги кундан ҳавотирда яшаган оилалар бугун ўз хонадонларида фарзандлари билан хотиржам ҳаёт кечирмоқда. Болалар учун майдончалар, кенг ҳовлилар, замонавий шароитлар одамларнинг кайфиятига ҳам, келажақга бўлган ишончига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мен ҳам ана шундай бахтли инсонлардан бири сифатида юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бераман. Чунки бу ислохотлар қорғозда эмас, одамлар ҳаётида ўз ақоли топлмоқда. Кечаги орзу бугун ҳақиқатга айланмоқда. Энг муҳими, инсон қадрланганини ҳис қилмоқда. Мен бугун ўз уйим остонасида туриб, ана шундай им-кониятлар учун давлатимиздан, юртимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатдан миннатдорман.

СИФАТИГА ТАЪЛИМ — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Хуршида БЕРДИЁРОВА,
Косон туманидаги 95-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, “Шухрат” медали соҳиби:

— Мен давраларда доим бир гапни такрорлаб юраман: Президентимизнинг ҳамма соҳага эътибори юқори, аммо таълимни мамлакатимизнинг келажаги сифатида кўради!

Дарҳақиқат, бошқа соҳаларда қилинаётган ишларни заррача камситмаган ҳолда айтганимиз, давлатимиз раҳбари томонидан кейинги ўн йилда таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар гўё тириклик суви каби соҳага қайта ҳим бағишлади.

Кечагидек эсимизда: таълим тизими ҳатто истиқлол йилларида ҳам эски тизим асоратларидан қутул-мади, турғунлик боткоғига ботиб қолган эди. Мувадиллар руҳиятида ҳам умидсизлик ҳукм суради. Чунки турли ҳашарлардан тортиб, пахта йиғим-теримигача бўлган ишларнинг бошида ўқитувчилар турар, ҳар қанча изланганим, интиланганим билан бу соҳада ўзни кўрсатиб бўлмас, ҳамма бир хил қўриларди. Шу боис ўзини хурмат қилган тизим ҳодимлари касбини ўзгартира бошлади. Янада ачинарлиси, ёшлар ҳам

ўқитувчи бўлишни хоҳламай қўйди...

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини бутунлай ўзгартиришга бел боғлади. Соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар сиёсатида ўқитувчининг мақоми қонун билан белгилаб қўйилди. Педагогни таълимдан ташқари ишларга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Унинг меҳнатига яраша ҳақ тўлана бошланди. Натижада бугун изланган, интилан, ҳар жабҳада фаоллик кўрсатган ўқитувчи шунга яраша моддий қўллаб-қувватланапти. Меҳнатлари муносиб эътироф этилмоқда.

Мен ҳам касбий фаолиятим билан бир қаторда, бадий ижод билан доимий шуғулланиб келялман. Ижодий намуналарим вилоят, республика миқёсидаги кўплаб нашрларда чоп қилинди. Китебларим нашр этилди. 2022 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Ҳудди шу йили “Йил аёли” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг ижодкор аёл” номина-



цияси голиби бўлдим. Шунингдек, таълим, маънавият ва маърифат, китобхонлик йўналишларидаги яна кўплаб танловларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритдим. Мактабимизда “Умид юлдузлари” ижодкор ёшлар тўғрагини ташкил этганмиз. Шогирдларим орасида билим-ли, истеъодли ёшлар жуда кўп. Уларни қанча топтириш, иқтидорини юзга чиқаришга кўмаклашим орзуси каминига ўзгача куч-ғайрат бағишлайди. Ўқитувчи эканимдан, ёшларни камол топтиришдек машаққатли, масъулият-ли ва шарофатли касб соҳиблари қато-ридалигимдан гурурланаман.

«Халқ сўзи».

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ ЯШАШ БАХТИ

Салима ХОЛДОРОВА
(Навоий шаҳри):

— Ҳазоррезги куз кунларининг бирида қўл телефоним жиринглади: “Ассалому алайкум! Сизни вилоят Ички ишлар бошқармасидан безовта қилаямиз. Салима Холдорова бўласизми?” “Ҳа, шундай”, дедим. “Сиз Президент фармониغا кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиндингиз”.

Бу гапдан сўнг бўғзимга нимадир тик-қилди. Наҳот чорак асрлик мавҳумлик, ўқсиклик туғанган бўлса? Онадан қайта тугилгандек, ҳаёт кўзимга бошқача кўри-на бошлади. Энди мен ҳам тенглар ичра тенгман. Ўпкам тўлиб, менга гўё янги ҳаёт бағишлаган юрт раҳбарига хат ёзмакда тутиндим: “Мухтарам Шавкат Миромонович! Мен 22 йилдан буюн Навоий кон-металлургия комбинати тизимида меҳнат қилиб, Навоий шаҳрида яшайман. Юрагимдаги энг улуг ниятим — Ўзбекистон фуқароси бўлиш ва та-намда жоним борки, шу юрт, шу халқ учун хизмат қилиш. Сизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсатингиз туфайли мен каби юзлаб ватандошларимиз қано-тини кенг ёйиб яшаашларига имкон то-пишмоқда. Одамлар қалбининг тўридаги



дарду ташвишларини қучур ҳис этиб, уларни ҳал қилиш учун куч ва ғайратин-гизни аямай сарфлаётган Сиздек инсон-ни Яратган Ёгам ҳамиша ўз паноҳида асрасин ва қўллаб-қувватласин!”

Ҳа, Ўзбекистон фуқаролигини олган кунимни чин маънода ҳаётимнинг олтин са-ҳифаси, дейишга ҳақлиман. Шу кунлар-дан бошлаб юрагимга ёруғлик тушди, йўлларим очилди. Айниқса, минг йиллар-дан бери куда-анда бўлиб иноқ яшаб кел-ган кирғиз ва ўзбек халқи ўртасида со-дир бўлган келишмовчилик ва ёвқараш-лардан қалблари озурда кирғизистонлик ўзбекларнинг мамлакатимиз Президентининг оқилона сайё-ҳаракатлари туфайли бу икки халқ ўртасидаги муносабатлар ийлиқлашиб, улар яна дўст-қадрдонга ай-ланганларидан кўнгиллари чоғ бўлгани-

ни, йиллаб қўриша олмаган жигарлари билан учрашиб, бағирлари бутун бўлган диппора инсонларни кўриш, ҳамсухбат бўлиш мен учун гўё бир афсонадек тую-лади.

Ўзбекистондаги “Ватандошлар” фон-ди лойиҳалари доирасида хорижда яшаётган миллатдошларимизнинг олий ўқув юртларига грант асосида қабул қилиниши мендек шу юртда яшаб чорак аср фуқаролик оломай юрган инсон учун фавқуллодда гўзал ҳодиса. Ўтган йили мана шу лойиҳа асосида кирғизистон-лик жияним Малоҳат Баҳодирова Навоий давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқишга қабул қилинди. Бу бизнинг оиламиз учун катта хурсандчилик бўлди.

Буюк шоир Ҳузулийнинг “Менинг бита умрим бор. Агар мингта умрим бўлган-да ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлардим”, мазмунидидаги сатрлари худди менга айтилгандек гўё. Мен ҳам ўйил-қизларим, набираларимни бағримга бо-сиб, тинч-осуда яшаётган маконим, ҳалол меҳнатларим ва ижодий ишларим қадр топаётган бахтли ошеним — Ўзбекистон учун катта қалб билан хизмат қиламан, деган эзгу ният оғушидаман.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термалда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6